

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУОЛИМОВ УРИНБОЙ ХУДОБЕРДИЕВИЧ**

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ МИСОЛИДА)**

12.00.07 - Суд хокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқукни муҳофаза қилиш фаолиятини  
ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Абдуолимов Уринбой Худобердиевич**

Прокуратура органларининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш (Ўзбекистон ва Туркия мисолида) ..... 3

**Abduolimov Urinboy Khudoberdievich**

Improving the organizational and legal framework of the prosecutor's office (on the example of Uzbekistan and Turkey) ..... 25

**Абдуолимов Уринбой Худобердиевич**

Совершенствование организационно-правовых основ органов прокуратуры (на примере Узбекистана и Турции) ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published scientific works

Список опубликованных работ ..... 50

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУОЛИМОВ УРИНБОЙ ХУДОБЕРДИЕВИЧ**

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ МИСОЛИДА)**

12.00.07 - Суд хокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқукни муҳофаза қилиш фаолиятини  
ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Yu637-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тулаганов Абдуманноп Абдужаббарович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Махмудов Алишер Абдусалимович**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақами Илмий кенгашнинг 2024 йил 19 декабрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Рихсилий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (50-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Рихсилий кўчаси, 9; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz))

Диссертация автореферати 2024 йил 6 декабрда тарқатилди.

(2024 йил 6 декабрдаги 16 - рақами реестр баённомаси).

**М.Т. Турғунов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси в.в.б., юридик фанлар доктори, доцент

**Ш.И. Шайзаков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**М.А. Аминжанова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Дунёда барча мамлакатлар халқаро хавфсизлик ва тараққиётга қаратилган глобал муаммоларга, уюшган жиноятчилик ҳамда коррупциянинг ривожланиши билан боғлиқ таҳдидларга дуч келмоқда. Бу каби таҳдидлар жиноятчилик билан боғлиқ вазият устидан ижтимоий-хукуқий назоратнинг заифлашиши, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг жиноий тузилмалар билан қўшилиб кетиши, уларнинг банк бизнеси, йирик саноат тармоқлари, савдо ташкилотлари ва товар тақсимлаш тармоқларини бошқаришга кириб бораётганида намоён бўлмоқда. Transparency International томонидан эълон қилинган 2023 йил учун Коррупцияни идрок қилиш индекси бутун дунёда коррупция ривожланиб бораётганини кўрсатган.<sup>1</sup> Сўнгти уч йил ичida компанияларнинг 47 фоизи иқтисодий жиноятлар ёки фирибгарликлардан жабр кўрган.<sup>2</sup> Замонавий дунёнинг бу каби глобал муаммоларини самарали ҳал қилиш жаҳон ҳамжамиятини жиноятчиликка қарши курашишда бирлашиш, халқаро алоқалар орқали мавжуд муаммоларга қарши таъсирчан тизимни яратиш, қонун устуворлиги ва хукуқ-тартиботни мустаҳкамлашга масъул бўлган хукуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-хукуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳонда интеграция жараёнларининг кучайиши хукуқни муҳофаза қилиш соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, тарихий, этник, тил ва маданий жиҳатдан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган давлатлар - Ўзбекистон ва Туркия Республикасининг хукуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорлигини кучайтириш, қонунчилик тажрибасини ўрганиш орқали икки мамлакат прокуратура органларининг давлат органлари тизимидағи ўрни, мақоми, функциялари ва ваколатларини чукур тадқиқ этишни тақазо этмоқда. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битими (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилинганлиги ва мазкур Битимнинг 2-моддасида хукуқни муҳофаза қилиш соҳаларида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланиши<sup>3</sup> сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлиги чукурлашиб бораётган ушбу давлатларнинг прокуратура органлари фаолияти ва уни ташкил этишнинг тарихий-хукуқий ва назарий асосларини, фаолиятининг асосий йўналишлари ва функцияларини, прокуратура органлари фаолиятига илфор

<sup>1</sup> <https://www.transparency.org/en/cpi/2023/index/uzb>

<sup>2</sup> <https://www.pwc.com/gx/en/services/forensics/economic-crime-survey.html>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 сентябрдаги “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битими (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги ЎРҚ-568-сон Қонуни // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.09.2019 й., 03/19/568/3746-сон.

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ошкораликни таъминлаш, уларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топишнинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида Туркия муҳим стратегик ҳамкор сифатида мамлакатимизнинг глобал ва минтақавий мақсадларига эришишда кўмаклашмокда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг кўп марта Туркияга амалга оширган расмий ташрифлари ва икки томонлама учрашувлари муносабатларни янада мустаҳкамлашгага ва янги ижобий натижаларга эришишга қаратилган. Туркия Республикаси Олий кассацияси суди Бош прокурори Бекир Шахиннинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига қилган ташрифи давомида мамлакатимиз Бош прокуратураси ва Туркия Олий кассация суди Бош прокуратураси ўртасида Англашув меморандуми имзоланиши<sup>1</sup> прокуратура органлари фаолият йўналишлари юзасидан илгор тажриба алмашиш орқали икки томонлама шерикликни янги босқичга кўтариш, Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органларининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу эса икки қардош давлатларнинг прокуратура органлари фаолияти ва уни ташкил этишнинг тарихий-хуқуқий ва назарий асосларини, фаолиятининг асосий йўналишлари ва функцияларини, прокуратура органлари фаолиятига илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ошкораликни таъминлаш, уларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022), “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида”ги (2023), “Оид судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги (2023) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун хужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион

---

<sup>1</sup> Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошевнинг Туркия Республикаси Олий кассацияси Бош прокурори Бекир Шахин билан учрашуви бўлиб ўтди // <https://www.prokuratura.uz/#/newsview?id=3970>

ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда прокуратура органларининг ташкилий-хуқуқий асосларини Туркия давлати тажрибаси асосида такомиллаштириш масалалари мустақил тадқиқот обьекти сифатида илк маротаба ўрганилди. Мазкур мавзунинг баъзи жиҳатлари айrim хуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўкув адабиётларида ёритилган. Хусусан, З.С.Ибрагимов, О.М.Мадалиев, М.Махбубов, Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, И.Б.Джураев, А.Б.Комилов, Ш.Ж.Рахимов, Д.Ш.Ибрагимов, Ш.И.Зокиров, М.М.Бобоев, М.Т.Абдуҳакимов, А.А.Махмудов ва бошқаларнинг асарларида муайян даражада ўрганилган. Бинобарин, И.Б.Джураев ўз тадқиқот ишида олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратган бўлса, М.М.Бобоевнинг тадқиқот ишида прокуратура фаолиятига электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий қилиш каби инновацион ғоялар илгари сурилган. Ш.И.Зокиров прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш институтини такомиллаштириш, Д.Ш.Ибрагимов эса вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни илгари сурган. Прокурорнинг фуқаролик, жиноят, маъмурий ва иқтисодий суд ишларини юритишда иштироки билан боғлиқ масалалар М.М.Мамасидиков, М.З.Раджапова, Д.С.Довудова, Ш.И.Шайзаков, У.Т.Шамсидинов ва Б.А.Отажоновларнинг илмий ишларида ўрганилган.

МДҲга аъзо давлатларда прокуратура органларининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича бир неча тадқиқотлар олиб борилган. Бинобарин, С.С.Алексеев, П.А.Беляков, А.Д.Берензон, В.Г.Бессарабов, А.Ю.Винокуров, Д.Григорьев, О.С.Капинус, В.Ф.Крюков, О.Литягина, Л.Магразде, Д.Р.Паштов, В.И.Ремнев, Б.Ястребов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айrim жиҳатлари тадқиқ этилган.

Турк олимларидан Мустафо Поксай (Mustafo Poksoy), Ҳандан Ёкуш Севўк (prof. dr. Handan Yokuş Sevük), Али Кемал Йилдиз (prof. dr. Ali Kemal Yıldız), Эзели Азаркан (doç. dr. Ezeli Azarkan), Эрдал Ерделен (doç. dr. Erdal Yerdelen), Нурчан Гўндўз (Nurcan Gündüz), Воҳлерс (Wohlers), Кеклер (Kekler), Ҳубер Барбара (Huber Barbara) ва бошқалар томонидан Туркия Республикаси прокуратурасининг пайдо бўлиши ва тарихий ривожланиши, ҳозирги шароитда давлат органлари тизимида тутган ўрни ва хуқуқий мақомига оид масалалар тадқиқ этилган.<sup>1</sup>

Бироқ нафақат Ўзбекистон Республикасида, шу билан бирга Туркияда ҳам бу икки қардош мамлакатлар прокуратура органларининг фаолияти ва уни ташкил этишнинг тарихий-хуқуқий ва назарий асослари, фаолиятининг асосий

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

йўналишлари ва функциялари қиёсий-хуқуқий жихатдан шу вақтгача тадқиқ этилмаган, алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг тадқиқот режасига киритилган ва “Прокуратура органларининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш (Ўзбекистон ва Туркия мисолида)” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида амалга оширилган (2021-2024 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон ва Туркия тажрибасини қиёсий-хуқуқий таҳлил қилиш асосида мамлакатимиз прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органлари ривожланишининг ретроспектив таҳлилини амалга ошириш;

Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органлари фаолияти ва уни ташкил этишнинг назарий асосларини таҳлил этиш;

мамлакатимиз прокуратура органларининг хуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни ва ролини аниқлаш;

прокуратура органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминловчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни ўрганиш;

Туркия Республикаси прокуратура органларининг тизими ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини ўрганиш ва миллий қонун ҳужжатлари билан қиёсий хуқуқий таҳлил қилиш;

Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органларининг ваколатлари ва хуқуқий мақоми, уларни ривожланиш истиқболлари ва фаолият юритиш принципларини ўрганиш;

прокуратура органлари фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалаларини қиёсий-хуқуқий таҳлил қилиш;

Туркия Республикаси прокуратура органларининг ташкилий-хуқуқий асосларини қиёсий-хуқуқий тадқиқ этиш орқали илғор ижобий тажрибаларни мамлакатимиз қонунчилигига ҳамда прокуратура органлари фаолиятига жорий этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг обьекти** мамлакатимиз прокуратура органларининг ташкилий-хуқуқий асосларини Туркия прокуратурасининг илғор тажрибалари асосида такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган хуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** прокуратура органларининг юридик мақоми, фаолиятининг ташкилий-хуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-

хуқуқий хужжатлар, Туркия, Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда қиёсий-хуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, социологик (анкета сўровлари), эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, кузатув, хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда ретроспектив таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

қонунийликни қаттий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида прокуратура органларида прокуратура органларининг ҳайъатлари, малака кенгашлари, одобахлоқ кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Жамоатчилик кенгаши каби коллегиал ва маслаҳат органларининг фаолияти, хуқуқий мақоми ва тизимини Ўзбекистон Республиксининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида белгилаш асослантирилган;

прокуратура органларида ишларни самарали ташкил этиш, прокурор назоратининг шакл ва услубарини такомиллаштириш, прокуратура органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, прокурор назорати самарадорлиги ва натижавийлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ва Олий суди ахборот тизимларини интеграция қилишга қаратилган ягона ахборот тизимини яратишнинг хуқуқий асосларини ишлаб чиқиш асослантирилган;

қонун устуворлигини таъминлаш, прокуратура органларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, лавозимни суиистеъмол қилинишининг олдини олиш ҳамда прокуратура тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги ҳақидаги нормани мамлакатимиз Конституцияси даражасида белгилаб қўйилиши асослантирилган;

Туркия қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда прокуратура органлари ходимларини рағбатлантириш, интизомий жазо турлари ва уларни қўллаш тартиби, хизмат текширувани тайинлаш ва ўтказиш тартиби, прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимларнинг иш вақти ва меҳнат таътили, прокуратура органлари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий кафолатлари каби масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида алоҳида бўлимда батафсил тартибга солиниши тўғрисидаги таклифлар асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ ваколат ва вазифаларини кучайтириш, уларнинг мустақиллиги ва фаолиятига аралашувга йўл қўйилмаслигини амалда таъминлаш мақсадида Туркия тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда тузилган малака кенгашларининг ҳуқуқий мақомини амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда аниқ белгилаш таклифи илгари сурилган.

Ўз фаолиятида қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг таъминланишига эришиб, алоҳида ўрнак, жонбозлик ва фидойилик намунасини кўрсатган прокурорларни узоқ муддатли истиқболда босқичма-босқич тарзда 5 йиллик муддатга эмас, балки 10 йил ёки умрбод лавозимга тайинлаш таклифини амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга киритиш зарурати асослантирилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам сунъий интеллект технологияларининг хавфсиз ва этик қоидаларга мувофиқ қўлланилишини таъминлаш; шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва маҳфийлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда сунъий интеллект тизимларини рўйхатга олиш ва мувофиқлик баҳоларидан ўtkазиш мақсадида “Сунъий интеллект тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарурлиги асосланган;

Туркия тажрибаси (“UYAP”, “SEGBIS”) асосида судлар ва прокуратура органлари ўртасида ахборот ва ҳужжат алмашинувини тезкорлик билан амалга оширишга кўмаклашувчи ягона ахборот тизимини яратиш зарурлиги асослантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, Туркия Республикаси қонунчилик тажрибаси, миллий қонунчиликни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Бундан ташқари, хulosалар 730 нафар прокуратура органлари ва бошқа ҲМҚО (ИИВ, ДХХ, суд, адлия) ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар, прокуратура органларининг 2020-2023 йиллардаги фаолиятига доир статистик маълумотлар, иш юритиш ва ҳужжатлар ижроси натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хulosалар, таклифлар ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 февралдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-909-сонли Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-12-сон Фармонини ишлаб чиқишида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети, юридик факультетлар талабалари учун турли ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасалари ҳамда юридик техникумларда “Прокурор назорати”, “Конституциявий хуқуқ”, “Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” модулларининг маъruzasi ва семинарларини ўтишда, илмий тадқиқотлар олиб бориша фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

прокуратура органларида прокуратура органларининг ҳайъатлари, малака кенгашлари, одоб-ахлоқ кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши каби коллегиал ва маслаҳат органларининг фаолияти, хуқуқий мақоми ва тизимини қонунчиликда белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конуни лойиҳасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 8 августдаги 27/2-185-22-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ваadolatli прокуратура фаолиятининг мустаҳкам хуқуқий асосларини яратишга хизмат қилади.

Бош прокуратура ва Олий суд ахборот тизимларини интеграция қилишга қаратилган ягона ахборот тизимини яратишнинг хуқуқий асосларини ишлаб чиқиши таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-12-сон Фармони 1-банди учинчи хатбошисида Бош прокуратура ва Олий суд ахборот тизимларини интеграция қилиш йўли билан ўзаро хужжат алмашинувини тўлиқ йўлга қўйиш борасидаги топшириқни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 13 июндаги 27/2-144-24-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши прокуратура органларида ишларни самарали ташкил этиш, прокурор назоратининг шакл ва услубларини такомиллаштириш, прокуратура органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини, прокурор назорати самарадорлиги ва натижавийлигини оширишга хизмат қилган.

Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 февралдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини таомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-909-сонли Қонуннинг биринчи моддасига мувофиқ “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасининг 2024 йил 13 майдаги 04/2-10-1126-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши қонун устуворлигини таъминлаш, прокуратура органларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, лавозимни суиистеъмол қилинишининг олдини олиш ҳамда прокуратура тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Прокуратура органлари ходимларини рағбатлантириш, интизомий жазо турлари ва уларни қўллаш тартиби, хизмат текширувини тайинлаш ва ўтказиш тартиби, прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимларнинг иш вақти ва меҳнат таътили, прокуратура органлари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий кафолатлари каби масалалар қонунчиликда батафсил тартибга солиниши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг “Прокуратура органлари ходимларининг жавобгарлиги” деб номланган 106-моддасининг 1-3-хатбошиларида, “Интизомий жазолар” деб номланган 107-моддасининг 1-2-хатбошиларида, “Прокуратура органлари ходимларининг моддий таъминоти” деб номланган 108-моддасининг 1-2-хатбошиларида, “Ходимларнинг иш вақти ва меҳнат таътили” деб номланган 110-моддасининг 4-8-хатбошиларида, “Прокуратура органлари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий кафолатлари” деб номланган 111-моддасининг 1, 3, 5, 6, 7-хатбошиларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 25 июндаги 27/2-157-24-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши прокуратура органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга, прокуратурага юклатилган вазифаларнинг самарадорлигини оширишга, сифат жиҳатдан яхшиланишига ва бу борадаги ишларни тўғри ташкил қилинишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 4 та илмий анжуманд, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра сухбатлари ва семинарларда синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференция тўпламида, 10 та илмий журналларда (шундан, 3 таси хорижда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тузилиши кириш, 8 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбекистон ва Туркияда прокуратура органлари фаолияти ва уни ташкил этишнинг тарихий-хуқуқий ва назарий асослари” деб номланиб, унда Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органлари ривожланишининг ретроспектив таҳлили, Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва хуқуқий мақоми, Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органлари фаолияти ва уни ташкил этишнинг хуқуқий асослари тадқиқ қилинган.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органлари ривожланишининг ретроспектив таҳлили ҳар икки давлат ўртасидаги прокуратура соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўл очади, ушбу давлатлар ўртасидаги тажриба алмашинуви хуқуқий тизимларнинг халқаро миқёсда такомиллаштирилишига хизмат қиласди. Биринчи параграфда ҳар икки давлат прокуратура органларининг ривожланиш босқичларини таҳлил қиласган ҳолда соҳа олимлари (З.Ибрагимов, М.Махбубов, Г.Маликова, Б.Пўлатов, О.Мадалиев, Ш.Зокиров, Ш.Сайдов)нинг фикрлари асосида мамлакатимизда прокуратуранинг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини 5 та даврга ажратиб ўрганиш ҳақида хуросага келган: биринчи, Чор Россияси мустамлакасидан “октябрь инқилоби”гача бўлган давр (1868-1917 йиллар оралиги); иккинчи, прокуратура қайтадан ташкил этилиб, фаолият кўрсатган 1917-1924 йиллар оралиғидаги давр; учинчи, прокуратура фаолиятининг 1924 йилдан 1992 йилнинг январь ойига қадар даври; тўртинчи, прокуратура фаолиятининг 1992 йил январь ойидан 2016 йилгача бўлган давр; бешинчи,

прокуратура фаолиятининг 2016 йилдан бошланиб, ҳозирга қадар давом этайтган энг янги давр.

Муаллиф Туркия прокуратурасининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини таҳлил қиласар экан, унинг ўзига хос ва юқоридаги босқичга ўхшаш жиҳатлари тўғрисида муайян хулосаларни илгари суради. Хусусан, диссертант Усмон Ғозий томонидан асос солинган Усмонийлар империяси даврида марказлашган ҳукуқ тизими йўлга қўйилиб, қонун ижросини таъминлаш учун масъул мансабдор шахслар (Savcı) институтининг илк кўринишлари пайдо бўла бошлаганлиги, улар жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни айбловчи мансабдор шахслар, жамоат тартиби посбонлари ва қонун вакиллари, тегишли органлар олдида ижро этувчи ҳокимият вакиллари сифатида майдонга келганлиги ҳақидаги турк олимлари (Yılmaz Yurtseven, Gamze Nur Şahin) фикрларини<sup>1</sup> таҳлил қилган ҳолда бу ўз навбатида IX-XII асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шариат нормаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи муҳтасиб институтининг функция ва вазифаларига ўхшашлигини илмий асослашга ҳаракат қилган. Ўша даврларда муҳтасибга қўйиладиган талаблар, яъни ўзининг ахлоқий ва диний бурчига мувофиқ ҳаракат қилувчи, юксак фазилатли, ҳалол инсон бўлиши ва, албатта, ўша даврда умуммажбурий бўлган нормалар, хусусан, шариат нормаларини билиши каби талаблар ҳозирги даврдаги ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, шу жумладан прокуратура ходимларига қўйиладиган талабларга ўхшаш, деган хулосани илгари сурган.

**“Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва ҳуқуқий мақоми”** деб номланган иккинчи параграфда муаллиф ҳар икки давлат прокуратурасининг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрни, ваколатлари ва мақомига тўхталиб, прокуратуранинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига мансублигини асослашга ҳаракат қилган ўзбек (З.Исломов, М.Раджабова, А.Махмудов, С.Каримов, Т.Шодмонов, М.Рустамова) ва турк (Hüseyin Şik, Ali Selim Genç, Nurcan Gündüz) ҳуқуқшунос олимларининг қарашларини таҳлил қилган. Диссертантнинг фикрича, Туркия прокуратураси ўз фаолиятини кўпроқ Европа (Германия, Франция) модели асосида ташкил этганлиги, Туркия Конституциясида прокуратурага оид нормалар “Суд ҳокимияти” деб номланган З-бўлимда ёритилганлиги, прокуратура одил судловни таъминлашга қўмаклашувчи ва жиной таъқиб (тергов)ни амалга ошириш устидан назорат қилувчи орган эканлиги унинг суд ҳокимияти тизимида мансублигини кўрсатади. Бироқ ҳозирги кунда Туркия прокуратураси ижро (адлия вазирлиги) ва суд ҳокимиятидан мустақил бўлиши, прокурорлар ўзларининг раҳбарлари томонидан бошқарилиши, прокурор ваколатларини

<sup>1</sup> **Батафсил қаранг:** Yılmaz Yurtseven, Gamze Nur Şahin. Klasik dönem osmanlı hukukunda padişahin yargı yetkisi. YBHD 2016/1. // <https://dergipark.org.tr/en/download/article-file/145040>

мамлакат Конституциясидан келиб чиқиб мувозанатли равишда мувофиқлаштириш тенденцияси кузатилаётганилиги ҳақида хulosага келади.

Диссертант Туркия прокуратураси фаолияти ва уни ташкил этишнинг хуқуқий асослари билан боғлиқ асосий жиҳатларни таҳлил қилган ҳолда қуидаги хulosаларни илгари суради:

*Биринчидан*, прокуратура органларининг мустақиллиги суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлади. Шунинг учун одил судловниadolатли ва холис амалга ошириш учун прокурорларнинг мустақиллиги Туркия Конституциясида мустаҳкамланиши муҳим аҳамият касб этади.

*Иккинчидан*, Туркияда прокурорлар турли даражаларда, жумладан, Олий Кассация суди, вилоят судлари ва маҳаллий судларда фаолият юритадилар. Бош прокурор турли даражадаги прокуратура органларига раҳбарлик қилади, прокурорлар эса унинг назорати остида ишлайди.

*Учинчидан*, Туркияning Жиноят-процессуал кодекси жиноий тергов ва суд жараёнларини тартибга солади. Унда жиноят иши қўзгатиш ва юритишда прокурорларнинг ваколатлари ва вазифалари белгиланган.

*Тўртинчидан*, “Судъялар ва прокурорлар тўғрисида”ги Қонун (Hakimler ve savcilar kanunu)<sup>1</sup> судъялар ва прокурорлар билан боғлиқ лавозимларга тайинлаш, лавозимга кўтарилиш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини тартибга солади. Шунингдек, Судъялар ва прокурорлар олий кенгашининг (Hakimler ve Savcılar Yüksek Kurulu (HSYK) тузилиши ва фаолияти ҳам ушбу Қонун билан тартибга солинади.

*Бешинчидан*, прокурорлар жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан терговни бошлаш, далиллар тўплаш ва айб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш хуқуқига эга. Улар, шунингдек, жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш чоғида судда давлат номидан иштирок этишади, жиноятга оид далилларни тақдим этади ва хуқуқни қўллаш юзасидан мунозарага киришади.

*Олтинчидан*, Судъялар ва прокурорлар олий кенгаши (HSYK) судъялар ва прокурорларга нисбатан интизомий иш юритиш ва бошқа жазо чораларини қўллаш ваколатига эга. Бунда касбий хулқ-авторни бузганлик учун интизомий ва бошқа турдаги жазо чоралар қўлланилиши мумкин.

*Етминчидан*, Туркия прокуратураси ҳалқаро ҳамкорлик, айниқса, транс-миллий жиноятларга қарши кураш масалаларида фаол ҳамкорлик қилади. Мазкур ҳамкорлик экстрадиция бўйича сўровлар, ўзаро хуқуқий ёрдам ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ўз ичига олади.

Диссертант Ўзбекистон ва Туркия прокуратуралари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларидаги мавжуд тафовутларни таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистонда амалга оширилаётган хуқуқий ислоҳотлар асосан прокуратура органларини ихтисослаштиришга, мамлакатдаги энг долзарб ва ўткир

<sup>1</sup> Hakimler ve savcilar kanunu // <https://www.mevzuat.gov.tr/mevzuat?MevzuatNo=2802&MevzuatTur=1&MevzuatTertip=5>

ижтимоий-иқтисодий масалаларни (ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш, камбағалликни қисқартириш ва х.к.) тартибга солувчи қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратни амалга оширишга қаратилганлиги, Туркия прокуратурасида эса одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш ва судда прокурорнинг мустақиллигини таъминлаш, жиной таъқиб (тергов)ни амалга ошириш ҳамда прокуратура органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга асосий эътибор қаратилган, деган хulosани илгари суради.

Муалиф қиёсий-хуқуқий таҳлиллар асосида мамлакатимиз прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари ва прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби каби муҳим масалалар қонун ҳужжатларида батафсил тартибга солиниши, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни лойиҳасида “Прокуратура органлари фаолияти тўғрисидаги қонунчилик” деб номланган алоҳида модда киритиш таклифини асослантирган. Шу ўринда тадқиқот доирасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, унда иштирок этган прокуратура ходимларидан иборат 730 нафар респондентнинг 91,5 % юқоридаги таклифни қўллаб-куватлаган.

Муалиф туркиялик хуқуқшунос олимлар F.Yenisey, B.Erdem ва V.Özbekning Судьялар ва прокурорлар кенгаши (Hakimler ve Savcılar Kurulu) Туркияда прокурорларнинг мустақиллигини таъминлашда муҳим орган ҳисобланиши, мазкур Кенгаш прокурорларнинг лавозимга тайинланиши ва кўтарилиши, интизомий жавобгарлиги каби масалаларни ҳал қилиши, ушбу органнинг мустақиллиги ва самарадорлиги прокурорларни ўз фаолиятларини амалга оширишда ташқи таъсиrlардан ҳимоя қилишини ижобий баҳолайди.

Тадқиқотчи “Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органлари фаолияти ва уни ташкил этишнинг хуқуқий асослари” деб номланган учинчи параграфда Туркия тажрибаси асосида мамлакатимиз прокуратура органларининг малака кенгашлари, одоб-ахлоқ кенгашларини прокуратура органларининг коллегиал органи сифатида белгиланиши лозимлиги, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни лойиҳасига “Прокуратура органларининг коллегиал ва маслаҳат органлари тизими” деб номланган модда киритиш ва унда прокуратура органларида прокуратура органларининг ҳайъатлари, прокуратура органларининг малака кенгашлари, прокуратура органларининг одоб-ахлоқ кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратуруси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши каби коллегиал ва маслаҳат органлари фаолиятини тартибга солувчи нормаларни киритишни таклиф қилган.

Диссертациянинг “Ўзбекистон ва Туркияда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш, унинг асосий йўналишлари ва функциялари” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органларининг тизими, унинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, Ўзбекистон ва

Туркия прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий йўналишлари, шунингдек Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органларининг ваколатлари ҳамда уларни таснифлаш масалалари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Диссертант Ўзбекистон ҳамда Туркия прокуратура органларининг тизими ва уларнинг фаолиятини ўрганиш натижасига қўра, қуйидаги хуносаларни илгари суради:

Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органлари тизими бу – Бош прокурор раҳбарлик қиласидиган, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хукуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, хукуқий тартибот ва давлат тузумини ҳимоя қилишга қаратилган ўзаро боғлиқ функция ва вазифаларни бажарадиган прокуратура органлари ва муассасаларининг ягона ҳамда марказлашган мажмуидир;

Туркия Республикаси прокуратура органлари Европа модели асосида ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятини 4 та асосий йўналиш бўйича амалга оширади ва одил судловни таъминлаш ва жиноий таъқиб (тергов)ни амалга ошириш бошқа йўналишларга нисбатан долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси эса мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат орган ҳисобланиб, унинг фаолиятида қонунлар ижроси устидан назорат йўналиши асосий ўрин тутади.

Туркия Республикаси прокуратура органларининг тизимида нисбатан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими ҳамда фаолият йўналиши кенг қамровли ва мураккаброқ тузилишга эга эканлиги, унда қонунчилик ижроси устидан назорат, судларда прокурор ваколатини таъминлаш, ташкилий назорат, ахборот-таҳлилий фаолият, шахсий хавфсизликни таъминлаш тармоқларининг мавжудлиги ижобий баҳоланиб, Туркия прокуратураси қошида Сиёсий партиялар бўйича департаментнинг ташкил этилганлиги салбий ҳолат сифатида баҳоланиб, бу жамиятда демократик институтларнинг самарали фаолият кўрсатишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги асослаб берилган.

Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органлари тизимида асосий ўхшаш жиҳатлар сифатида муаллиф ҳар иккала давлат прокуратура органлари ташкилий тузилмаси қўйи турувчи прокурорларнинг Бош прокурорга бўйсунувига асосланган уч босқичли тизимдан иборат эканлигини, ҳар икки давлат Бош прокуратураларининг ташкилий тузилмасида мавжуд таркибий тармоқлар прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишларига мувофиқ тарзда ташкил этилганлигини, Туркияда Ўзбекистонда бўлгани каби Ҳарбий прокуратура фаолият кўрсатишини, Ўзбекистон Бош прокуратураси ташкилий тузилмасидаги жиноий ва фуқаролик суд ишларини юритишида прокурор ваколатини таъминлаш, ўта оғир жиноятларни тергов қилиш,

уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаларига ўхшашиб тармоқлар Туркия Республикаси Олий кассация суди Баш прокуратураси ташкилий тузилмасида ҳам мавжудлиги асослантирилган.

Диссертант Туркия прокуратурасининг мамлакатимиз прокуратура органлари тизимидан фарқли жиҳатларини таҳлил қилас экан Туркия прокуратураси тизимида худудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуralар кўзда тутилмаганлиги, Туркияда прокурорлар жиноят ва маъмурий суд тизимида, Адлия вазирлиги муассасаларида фаолият кўрсатиши, бироқ шундай бўлса-да, Туркияда прокурор лавозими давлат фуқаролик хизмати таркибиға кириб, уларнинг мустақиллиги ҳар томонлама кафолатланганлиги ҳақидаги хуносаларни илгари суради.

Диссертантнинг фикрича, прокуратура тизими хуқуқ-тартибот ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим рол ўйнаганлиги боис, прокуратура ходимларини рағбатлантириш, моддий ва ижтимоий қўллаб-кувватлаш, ижтимоий кафолатлари хуқуқ тизимининг самарали ишлашига бевосита таъсир кўрсатади. Шу ўринда тадқиқотчи Туркияning “Судъялар ва прокурорлар тўғрисида”ги Қонунини таҳлил қилас экан, унда прокуратура ходимларининг меҳнат шароитларини, лавозимга кўтарилиш жараёнларини, рағбатлантиришларни, ахлоқий меъёрлар ва ижтимоий кафолатларни тартибга солишини, унда шунингдек, соғлиқни сақлаш сугуртаси, пенсия хуқуқлари, ижтимоий хавфсизлик хуқуқлари ва ўлим сугуртаси каби асосий кафолатлар тақдим этилганлигини, ушбу тизимда хизмат қилган ходимларга мукофотлар, хизмат кўрсатиш мукофотлари ва маҳсус хизмат компенсациялари каби қўшимча тўловлар назарда тутилганлигини баён қиласди.

Турк олимларининг прокуратура ходимларини рағбатлантириш, ижтимоий кафолатлари ва моддий қўллаб-кувватлашлари ҳақидаги фикрларини таҳлил қилган ҳолда прокуратура ходимларига тақдим этиладиган моддий ва ижтимоий хуқуқлар белгиланишида тенглик ва адолат тамойиллари асосий ўрин тутиши кераклигини, ходимларнинг ижтимоий кафолатлари, айниқса, соғлиқни сақлаш ва пенсия хуқуқлари янада кучайтирилиши зарурлигини таъкидлайди.

Прокуратура ходимларида юқори иш ҳажми ва стресс ҳолатлари қўплаб учрашини, ўз вазифаларини бажаришда юқори иш юкламасига дуч келишларини, бу эса руҳий босимни ошириши ва рағбатланишни йўқотилишига олиб келиши мумкинлигини, шундай экан прокурорлар учун психологик қўллаб-кувватлаш тизимларини яратиш ва иш юкламасини мувозанатлашга ёрдам берадиган тартиблар ишлаб чиқиши зарур. Диссертант фикрича, намунали хизмат кўрсатган прокурорларга қўшимча мукофотлар, компенсациялар ва кўпроқ маошлар бериш орқали уларнинг ишга бўлган муносабатини ижобий жиҳатдан ошириш мумкин бўлади.

Муаллиф прокуратура ходимларининг мотивацияси, моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашлари, шунингдек, ижтимоий кафолатлари нафақат Туркия, балки Ўзбекистон хуқуқ тизимининг самарали ишлашини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда прокуратура ходимларини рағбатлантириш, интизомий жазо турлари ва уларни қўллаш тартиби, хизмат текширувани тайинлаш ва ўтказиш тартиби, прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимларнинг иш вақти ва меҳнат таътили, прокуратура органлари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий кафолатлари кенгайтирилиши ва ушбу нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конунида алоҳида бўлимда батафсил тартибга солиниши зарур, деган хulosани илгари суради.

Диссертант Ўзбекистон ва Туркия давлатлари Бош прокурорларининг ушбу лавозимни эгаллаш муддатлари ва қонунчиликдаги бу борадаги чекловлар ўрнатиш масалаларини таҳлил қилган ҳолда Бош прокурор лавозимини сурункасига икки мартадан қўп эгаллаш мумкин эмаслигининг аҳамияти борасида фикр билдирган турк олимлари (Hakan Hakeri, Tuğrul Ansay, Don Wallace)нинг позициясини қўллаб-қувватлаган ҳолда қонунчиликда белгиланган муддатлар ҳар қандай мансабдор шахснинг шахсий манфаатлари устидан қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилишини, тенглик ва адолат принципини таъминлашини, коррупцияга қарши курашишда ҳам аҳамиятли эканлигини очиб беради.

Дисертациянинг “Туркия Республикаси прокуратура органларининг илғор тажрибалари асосида Ўзбекистон прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли учинчи бобида муаллиф Туркияда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини назорат қилиш асосий йўналишлардан бири эканлигини, ахборот тизимларидан фойдаланишни янада осонлаштириш мақсадида асосий ургу мобиль иловаларга берилаётганлигини, судлар, прокуратура, адлия органлари ўртасидаги ўзаро алоқани таъминловчи “UYAP” миллий ахборот тизими фаол қўлланилиб келиниши таъкидлайди. Ушбу ахборот тизимининг қурайликларини баён этган ҳолда суд реестри ахборот тизимидан жиноят ёзувлари маълумотлари, “Mernis” тизимидан аҳоли ҳакида ёзувлари, манзилларни рўйхатга олиш тизимидан ёзувлар, “Polnet” тизимидан ҳайдовчилик гувоҳномалари ёзувлари, қидирудва бўлган шахс гувоҳномалари, Марказий банкдан валюта курслари, ер реестри ва “Takbis” тизимидан кадастр ёзувларини дарҳол олиш имкони мавжудлиги, шунингдек, тизим ёрдамида транспорт воситаларини олиб қўйиш ва уларни бошқариш хуқуқидан маҳрум қилиш<sup>1</sup> мумкинлигини таъкидлайди. Диссертант мамлакатимиз прокуратура органларида ишларни самарали ташкил этиш, прокуратура органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, прокурор назорати самарадорлиги ва

<sup>1</sup> UYAP - Genel Bilgi // UYAP ахборот тизими веб-сайти – <https://uyap.gov.tr/Genel-Bilgi>.

натижавийлигини ошириш мақсадида Бош прокуратура ва Олий суд ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилишга қаратилган ягона ахборот тизимини ва унинг ҳукуқий асосларини ишлаб чиқиш заруратини асослантиради.

